

Педагогик таълим инновацион кластери

Дарахтнинг илдизи қанчалик чуқур ва тармоқланган бўлса, у шунчалик мустаҳкам, унинг умри шунчалик давомли, ҳосили эса мўл-кўл бўлади. Инсоният кўп минг йиллик тараққиёти давомида жамиятни ривожлантиришнинг таълим, илм ва ҳунардан самаралироқ воситасини кашф қила олган эмас. Шу сабабли ҳам таълим, илм-фан ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг келажagini белгилаб берадиган, унинг тараққиётига хизмат қиладиган муҳим омилдир. Таълим ўз илдизларини илм-фан ва ишлаб чиқариш, ижтимоий турмуш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт билан боғлай олган, ички ва турдош тармоқлар билан ҳар томонлама интеграцияга киришган тақдирдагина ўз олдига қўйган натижаларга эриша олади, фан, таълим-тарбия ва иқтисодиётнинг ўзаро чуқур, ҳар томонлама узлуксиз алоқасини таъминлай олган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ эта олган давлат эса тараққиётга эришади. Бу борада мамлакатимиз таълим соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли йўналишларини аниқлаш, айниқса, педагог кадрларнинг касбий малакалари ва билим савиясини узлуксиз юксалтириш энг долзарб масалалардандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам долзарб масалалар қаторида илм-фан ва таълим, таълим ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муносабатларига алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас. Модомики, таълим тизимининг марказида инсон капитали, уни тўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланиш ва мақсадли йўналтириш турар экан, бунда мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим тизимини жамиятнинг барча манфаатдор томонлари, таълим жараёнининг барча

субъектлари билан яхлит бир бутунликда бугунги кун талаблари асосида ташкил этиши ҳамда таълимнинг тўлиқ узлуксизлигига эришиши олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Кейинги йилларда юз бераётган туб ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига янгича инновацион ёндашувлар, мавжуд қарашлар, тушунчалар ва муносабатларни тараққиёт кўзгуси ва самарадорлик мезонлари билан қайта кўздан кечиришни тақозо этмоқда. Истиқлол йилларида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлаган ҳолда, айтишимиз жоизки, мақсадлар ва уларга эришиш усул ва воситаларини аниқ белгилай олмаслик, меҳнат бозори талабларини чуқур ўрганмаслик, ундаги талаб ва таклифнинг номувофиқлиги, одамларнинг ижтимоий аҳволи ва хоҳиш-истакларини инобатга олмаслик оқибатида анчагина жиддий хато ва камчиликлар ҳам кузатилди. Натижада, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да назарда тутилган талаблар тўлиқ ижросини топмади. Ўтган йиллар давомида биз барча соҳалар каби таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ўзимизга хос ва мос йўлни топишга кўпроқ эътибор қаратдик.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўнгги йилларда таълим соҳасини ислоҳ қилишга, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қарата бошлади. Бу борадаги ислоҳотлар 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим

вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент Қарорларида ўз аксини топган. Эътибор берадиган бўлсак, мазкур қарорларда узлуксиз таълим тизимининг деярли барча турлари қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Қолаверса, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам таълим соҳасини тубдан такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3152 сонли Қарори билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил қилинган эди. Қарор билан институтга вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб бугунги кунда институт ўзининг асосий стратегик йўналишлари ва ривожланиш концепциясини ишлаб чиқди.

Тошкент вилояти таълим тизимида мавжуд камчиликларни ўрганиш ва уларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, педагогик таълим йўналишларини мувофиқлаштириш, истиқболни режалаштириш, таълим босқичлари ўртасидаги алоқа ва интеграциянинг сустлиги, таълим субъектлари фаолиятидаги тарқоқлик ҳудудда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлган. Шундан келиб чиққан ҳолда институт Тошкент вилоятида **педагогик таълим**

инновацион кластерни яратиш билан боғлиқ янги тизимни ўзининг устувор стратегик йўналиши сифатида белгилаб олди ва шу тизим асосида муайян ишларни амалга оширди. Ушбу тизим енгил саноат, қишлоқ хўжалигининг қатор тармоқлари ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида самарали ҳисобланган кластер усулини таълим жараёнига татбиқ этишни назарда тутди. Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш тармоқларида хомашёни етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириш ҳамда уни реализация қилиш кетма-кетлиги занжири мавжуд бўлиб, ушбу кетма-кетлик педагогик таълим тизимида ҳам инсон капитали кўринишида мавжуд. Бу эса ишлаб чиқаришда самарали бўлган кластер моделини таълим тизимига жорий этиш назарий жиҳатдан мумкин эканлигини кўрсатади.

Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш тизимига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда.

Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидаги барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилиқ даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришдир.

Педагогик таълим ривожланишининг кластер тизими таълим бериш, ўқув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш,

таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб боради. Айни пайтда бу умумий йўналишлар таълимни бошқариш ва ташкиллаштириш, таълим турлари ва йўналишлари ўртасида узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш методлари ва воситаларидан фойдаланиш каби йўналишларда хусусийлашади.

Қуйидагилар кластер тизимининг **субъектлари** сифатида иштирок этади:

– талабалар, магистрантлар ва докторантлар педагогик амалиёт ўтайдиган, таълимий, илмий тадқиқотчилик, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган ўқув ва тажриба экспериментал база вазифасини ўтайдиган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий ва қўшимча таълим муассасалари;

– таълимнинг турли даражаларидаги янгиланишларга мувофиқ равишда катталарнинг қўшимча таълими тизими муассасалари, болалар ва ўсмирларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари;

– ҳамкорликдаги илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ва уни белгилайдиган илмий ва илмий-методик тузилмалар, марказлар, илмий тадқиқот институтлари;

– педагогик ҳамжамиятлар, ташаббускор жамоалар, жамоат бирлашмалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари;

– хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар.

Кластер тизими ҳар бири алоҳида фаолият олиб борадиган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорлик асосида иш юритади. Кластер тизими субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради.

Педагогик таълим инновацион кластери **алоқадорлик, узвийлик, изчиллик, ворисийлик, замонавийлик, йўналтирилганлик, манфаатдорлик** тамойилларига асосланади.

Педагогик таълим кластери фаолиятининг асосий **мақсади** қуйидагилардан иборат:

– педагогика соҳасида самарали ворисийликни таъминлаш ва энг яхши ўқувчиларни педагог касбига тарғиб қилиш;

– педагогларнинг касбий тайёргарлигини амалиётга таянган ҳолда ва манфаатдор субъектлар билан самарали алоқасини интенсив таъминлаган ҳолда олиб бориш;

– бўлажак таълим мутахассисларини инновацион тажрибага эга бўлган амалиётлар базасида тайёрлаш муҳитини яратиш;

– ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини қисқартириш;

– талабаларни бугунги жадал ривожланиш жараёнларида бевосита иштирок этишини таъминлаш;

– педагогик таълимда янги авлод ўқув, ўқув-методик, илмий адабиётлар, воситалар ва дидактик материаллар мажмуасини яратиш;

– педагогик таълим илмий, илмий-педагогик салоҳиятини ошириш;

– педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш;

– таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш;

– таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш;

– педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланиш имкониятини яратиш;

– педагогик таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорлик, боғлиқлик ва ҳамкорлик заруриятини илмий асослаш.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим инновацион кластери қуйидаги **вазифаларни** бажаради:

– вилоятдаги таълим муассасалари учун замонавий билим ва малакага эга педагог кадрларни тайёрлаш;

– таълим сифатини оширишда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш;

– педагогика соҳасида илмий фаолиятни изчил йўлга қўйиш;

– таълимнинг асосий (дарслик) ва ёрдамчи (луғатлар, комуслар, электрон манбалар ва б.) воситалари мазмун-моҳиятининг таълим босқичлари кесимидаги узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

– вилоятдаги таълим муассасалари ўқитувчиларининг билим савиясидаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида вилоят Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда муддатли ўқув курслари ташкил қилиш;

– умумтаълим мактабларида фанларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш мақсадида вилоят Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда илмий-амалий семинарлар ташкил қилиш;

– институтдаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар ва таянч олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликни кучайтириш;

– умумтаълим мактабларида илмий тадқиқот олиб бориш лаёқатига эга ўқитувчиларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш;

– педагогика соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида етакчи хорижий ОТМларга стажировкаларни амалга ошириш.

Айни пайтда, педагогик таълим инновацион кластери институтнинг асосий илмий тадқиқот йўналиши сифатида белгиланган бўлиб, ҳозирда ўттиздан ортиқ профессор-ўқитувчилар мазкур илмий тадқиқот йўналишида изланишлар олиб боришмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз муҳтарам Президентимиз қарорида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш, вилоятнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини сифатли

кондириш, соҳага илғор хорижий тажрибаларни жалб қилган ҳолда замонавий рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Бу билан институт жамоаси “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ҳаётга татбиқ этилишида ўзининг камтарона ҳиссасини қўшган бўлади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамиятимизнинг бугунги ривожланиш босқичида педагогик таълим инновацион кластери таълимда ички ва тармоқлараро алоқадорликни таъминлайдиган, илмий тадқиқот, илмий-методик муассасаларда тўпланган тажриба ва эришилган илмий ютуқларни таълим ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига етиб боришини самарали амалга оширадиган яқин келажакдаги энг муҳим тизим сифатида тақдим этилмоқда. Бунда таълим муассасалари ва жамият бошқа манфаатдор томонларининг ўзаро узвий ва узлуксиз алоқасини таъминлаш, таълим жараёнининг пировард маҳсули – ҳар томонлама етук педагог кадрларни етиштириш ва жамиятга наф келтириши учун илмий, ижодий, маънавий, иқтисодий имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки кадрлар билим савияси ва рақобатбардошлиги иқтисодий ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва жамиятнинг бошқа соҳалари тараққиёти ва рақобатбардошлигининг асосидир. Бошлаган ҳар бир ишимиздаги сифат ва самара айнан шу масала билан чамбарчас боғлиқлигини ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва қолаверса ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Ғ.И.Муҳамедов,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ректори,
Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби